**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Малака ошириш тармоқ маркази
директори доцент Баймаков С.Р.

______________________________

“___” ___________ 2015йил

# “Педиатрия фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот” МОДУЛИ БЎЙИЧА

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й   М А Ж М У А

**Тузувчи:** **профессор Халматова Б.Т.**

**Тошкент -2015**

# МУНДАРИЖА

**ИШЧИ ДАСТУР...................................................................................3**

**КАЛЕНДАР РЕЖА ............................................................................8**

**МАЪРУЗА МАТНИ...........................................................................9**

1-МАВЗУ. Электрон-ўқув услубий мажмуалар **...............................9**

2-МАВЗУ. Педиатрик фанларни бахолаш мезонлари **...................15**

3- МАВЗУ. Педиатрик фанларда якуний назорат ўтказиш...........20

4-МАВЗУ. Педиатрик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш...23

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ.........................................................................25**

**НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ..................................................................29**

**ГЛОССАРИЙ......................................................................................30**

# ИШЧИ ДАСТУР

## I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Педиатрия фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини педиатрия фанларини ўқитишда замонавий ўқув-услубий таъминот ҳақидаги билимларини такомиллаштириш.

**“Педиатрия фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот” модулининг вазифалари:**

- педиатрия фанларини ўқитишда қўлланиладиган ўқув-услубий таъминот ҳақида тушунча бериш;

- тингловчиларнинг педиатрия фанлари муаммоларини таҳлил этишда замонавий ўқув–услубий таъминотдан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- педиатрия фанлари муаммоларини ҳал этишда қўлланиладиган ўқув-услубий материалларни амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

**Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Педиатрия фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- педиатрия фанларини ўқитишда қўлланиладиган ўқув-услубий материалларини билишлари керак;

- педиатрия фанлари муаммоларини ҳал қилишда замонавий ўқув-услубий материаллардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши зарур;

- педиатрия фанларининг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштиришда ўқув-услубий таъминотнинг ўрнини билиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Педиатрия фанларини ўқитишда инновацион таълим технологиялари”, “Педиатрия фанларини ўқитишда педагогик махорат” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашда замонавий ўқув-услубий таъминотдан фойдаланиш касбий компетентлигига эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | жами | жумладан | | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма машғулот | |
| 1. | Электрон-ўқув услубий мажмуалар | 2 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Педиатрик фанларни бахолаш мезонлари | 2 | 2 | 2 | | | |
| 3 | Педиатрик фанларда якуний назорат ўтказиш | 4 | 4 | | 4 | | |
| 4 | Педиатрик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш | 8 | 4 | | 4 | | 4 |
| | Жами | 16 | 12 | 4 | 8 | | 4 |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Электрон-ўқув услубий мажмуалар (2 соат)

**Режа:**

1. Ўқув-услубий мажмуа тўғрисида тушунча
2. Ўқув-услубий мажмуанинг мақсад ва вазифалари
3. Электрон-ўқув услубий мажмуа
4. Педиатрик фанларни ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш

**2-мавзу. Педиатрик фанларни баҳолаш мезонлари (2 соат)**

**Режа:**

1. Рейтинг тўғрисида тушунча
2. Педиатрия фанларида баҳолашнинг мақсад ва вазифалари
3. Назорат турлари
4. Рейтинг натижаларини таҳлил қилиш

Замонавий ўқитувчи фаолиятида талабалар билимини баҳолашда юзага келадиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини ташкил этиш ва баҳолашда янги педагогик технологияларни қўллаш– долзарб педагогик муаммо сифатида.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Педиатрик фанларда якуний назорат ўтказиш (4 соат)**

**Режа:**

1. Рейтинг тизими тўғрисида тушунча
2. Якуний назорат ўтказиш турлари
3. Педиатрик фанларда ОСКИ усулининг қўлланиши

**2-мавзу. Педиатрик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш (4 соат)**

**Режа:**

1. Муаммоли ўқитиш тўғрисида тушунча
2. Муаммоли ўқитишнинг педиатрик фанларда қўлланилиши

## КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Режада йўқ.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

- Педиатрия фанларини ўқитишни ташкил этиш шакллари.
- Педиатрия фанларини ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда лойиҳалаш услубини тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.
- Педиатрия фанларини ўқитишда интерфаол таълим услубини тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда амалий ўйин услубидан фойдаланиш

- Педиатрия фанларини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш
- Педиатрия фанларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда мультимедиа тақдимотларини яратишнинг методик асослари
- Педиатрия фанларини ўқитишда электрон дарсликлар яратишнинг методик асослари
- Педиатрия фанлардан злектрон ўқув-методик мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- Педиатрия фанларини ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда интернет тармоғидан фойдаланиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда талабалар билимини назорат қилиш ишчи дафтарларини яратиш
- Педиатрия фанларини ўқитишда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этишнинг методик асослари
- Педиатрия фанларини ўқитишда талабалар билимини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари
- Педиатрия фани ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш

## АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-1533-сон қарори.
16. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
18. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
19. Ашкоафт К.У., Холдер Т.М. Детская хирургия. - С-Пб., 1997
20. Баиров Г.А. Срочная хирургия детей. - С-Пб., 1997
21. Болезни детей раннего возраста - руководство для врачей под редакцией А.А.Баранова, - Москва-Иванова, 1998.
22. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013
23. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари.-Т., 2012.
24. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. – М., 2010
25. Детские болезни, под ред. Н П. Шабалова. – М., 2010
26. Исаков Ю.Ф., Степанов Э.А., Гераскин В.И. Торакальная хирургия детского возраста.- М., 1987
27. Калиничева В.И. Анемии у детей. – М., 2000
28. Немилова Т.К. Оперативная хирургия детского возраста. - С-Пб., 2000
29. Острые пневмонии у детей, под редакцией В.К.Таточенко. – М., 1994
30. Парийская Т.В. Справочник педиатра.- М., 2004
31. Патология детей старшего возраста - под редакцией А.А.Баранова. – М., 1998
32. Пыцкий Н.В. Аллергические заболевания. – М.,1999
33. Синельников И.М. Неотложная помощь в педиатрии. – М., 2000
34. Справочник педиатра. Санкт-Петербург., Москва., 2004
35. Справочник семейного врача (Педиатрия). - Минск, 2000
36. Сулайманов А.С. ва бошқ. Болалар хирургияси.- Т., 2001
37. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрияда синдромал диагностика.- Т., 2010

38. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
39. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA
40. The five Minute child Health Advisor. - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинади:

http:/// www. medmir. ru.,
http:/// www. doctor. ru.,
http:/// www. medbox. ru.,
http:/// www. medicum. ru.,
http:/// www. medline. ru,
http://www.smtueco.ru,
http://www.vshu.ru,
www.cohrane.org,
www.medlinks.ru,
www. med-lib.

## КАЛЕНДАР РЕЖА

| № | Мавзулар | Машғулот тури | Соати | Ўтказилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Электрон-ўкув услубий мажмуалар | маъруза | 2 | ойнинг биринчи ҳафтаси |
| 2. | Педиатрик фанларни баholаш мезонлари | маъруза | 2 | ойнинг биринчи ҳафтаси |
| 3. | Педиатрик фанларда якуний назорат ўтказиш | амалий | 4 | ойнинг биринчи ҳафтаси |
| 4. | Педиатрик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш | амалий | 4 | ойнинг биринчи ҳафтаси |

# МАЪРУЗА МАТНИ

## 1-МАВЗУ. ЭЛЕКТРОН-ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАР

1.Ўқув-услубий мажмуа тўғрисида тушунча
2.Ўқув-услубий мажмуанинг мақсад ва вазифалари
3.Электрон-ўқув услубий мажмуа
4.Педиатрик фанларни ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш

Таянч иборалар: *ўқув-услубий мажмуа, электрон ўқув-услубий мажмуа, замонавий технологиялар, Интернет манбалари, ахборот технологиялари, педагогик амалиёт.*

**Ўқув фани бўйича ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ) т**алабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

***Сўз боши*. (ЎУМ) б**у қисмида, берилган ўқув фанини ўрганишга киришишида ўқитувчини талабага мурожаати, (ЎУМ) тузилиши ва унинг мазмунига қисқача тавсифи берилади.

***I Бўлим. Ўқув фанига кириш.*** Қуйидаги ўқув маълумотли материаллардан иборат:

1) ўқув фанини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари;

2) Мутахассислик бўйича талабалар томонидан фан мазмунини муҳим ўзлаштириш даражасига давлат таълим стандартларининг талаблари.

(3) Фаннинг ўқув дастури: ўқув вақтининг умумий ҳажми ва уни мавзулар ва иш турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади, ўқув фанининг мавзувий мазмуни изчилликда баён этилади.

4) Фан бўйича назорат шакли ва рейтинг баҳолаш.

5) Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

6) Фан бўйича билмиларни якуний текшириш саволлари.

***II Бўлим. Ўқув фани бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар тўплами.*** Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотига мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

***Фан бўйича глоссарий*** - асосий тоифа ва атамалар луғати.

***Ўқув фани бўйича талабани ўқув натижаларининг ютуқлар вараги*** - талаба томонидан рейтинг балларни тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишни таъминлайди.

## Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ўқув-услубий мажмуани (ЎУМ) ишлаб чиқишнинг йўл ва воситалари

Талабанинг ЎУМ қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши керак:

1) ўқув маълумотининг мақсади, тузилиши, мазмуни ва ҳажми, 2) талабага ДТС томонидан белгиланган, берилган шароитда ва ўқув режасида белгиланган вақтда таълим мақсадларига эришишни кафолатловчи фан бўйича таълим технологияси.

**Ўқув фани бўйича талабалар мустақил фаолиятини ташкиллаштириш учун ЎУМ тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:**

***1.1. Режа - топшириқ*** **-** ҳар бир ўқув машғулоти учун тузилади.
Жадвал кўринишида бажарилиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1.1. Мавзунинг номи, ўқув машғулоти шакли ва тури.

1.2. Ўқув машғулотининг тузилиши/ олиб бориш режаси.

1.3. Ўқув машғулоти мақсади.

1.4. Талабанинг ўқув фаолияти натижалари - таълим бериш натижасида талаба бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар аниқ ва феълларда (...айтади, ....санаб беради, .... таснифлайди ва ҳ.к) ифодаланиб, олинган натижаларни бир хил маънода ва ҳаққоний баҳолаш, уларни белгиланган мақсадга мос келишини аниқлаш имконини беради.

1.5. Мустақил тайёргарлик учун топшириқ. Улар қисқа маслаҳат ва уларни бажариш бўйича тавсияномалардан иборат бўлган- айтиб беришлар билан берилиши мумкин.

1.6. Назорат шакли: Кузатувғўқув топшириқларини бажаришғсавол-жавоб шаклиғтест ва бошқ.

1.7. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, энг юқори балл. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, *ҳақиқий балл.*

*2.* ***Ўқув-услубий материаллар*** ўқув машғулоти мақсади ва мазмунидан ташқари, таълим бериш технологиясига мувофиқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

2.1. Ўқув материаллар: маърузанинг қисқа (таянч) чизма ва жадвал кўринишидаги ёзмалари.

2.2. Ўқув гуруҳи учун топшириқ, уларни бажаришнинг кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари.

2.3.Талабалар ўқув иш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган ахборот берувчи материаллар: (ақлий ҳужум, гуруҳларда ишлаш) *қоидаси;* (эссе, реферат ёзишга) *талаблар;* (кейс ва бошқ.) *материаллар.*

2.4. Ўзини текшириш учун топшириқлар (тест, савол, топшириқ ва машқлар). Жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди. Оралиқ ва якуний назоратнинг савол ва топшириқларни ўз ичига олади.

Ўқув-услубий материаллар ҳажми чегараланмайди. Лекин улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли рамсийлаштирилган бўлиши керак.

Бугунги кунда талабаларни анъанавий усулда укитиш замонавий укитиш усуллари билан тобора кенг алмаштирилмокда.

Хаётимизга кириб келган Интернет, ахолининг оммавий компьютеризацияси ва янги ахборот технологиялари янги авлод талабаларининг тенталитети узгаришига сабаб булмокда.

Янги ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, уларни амалиётга тадбик килишда укув-услубий мажмуаларнинг урни сезиларлидир.

Бугунги кунда педагогик амалиётда янгиликсиз дарс олиб бора олмаслигимиз яккол куринмокда. Бу нимада намоён булмокда:

- Талабалар реал масалалар устида ишламокда
- Талабалар реал муаммоларни хал кили шва тахлил килишда катнашмокдалар.
- Реал ходисаларни англаш жараёнида талабалар турли ахборот базаларидан фойдаланмокдалар.
- Талабалар критик фикр юритиш ва узлари кабул килган карорларига жавоб беришга урганмокдалар

**Ўқув-услубий мажмуа** – талабалар томонидан фанни узлашриш «стратегияси» ва укув йилидаги «тактикани» белгиловчи хужжат

ЎУМ талабалар ва педагоглар учун мулжалланган.

**Электрон ўқув-услубий мажмуа** – укув жараёни учун мулжалланган мультимедиали программали махсулот булиб, укув жараёнининг узлуксизлигини, туликлилигини ва визуал кабул килишни таъминлайди.

**ЎУМ тузишдан максад:**

- талабага фан буйича мустакил тайёрланиши учун укув-услубий материалларни тулик бериш
- бунда талабага ахборот бериш билан бир каторда унга маслахат бериш, талаба билимини бахолаш хам кузда тутилади.

**ЭУУМ афзалликлари:**

- берилаётган ахборотнинг турли хилдалиги (аудио, видео, график органайзер, схемалар ва х.к)
- хар бир талабага индивидуал ёндашиш
- талабаларнинг мустақил ишини жадаллаштириш
- берилаётган ахборотнинг турли эканлиги, ўйин турида берилиши талабанинг қизиқишини орттиради
- талабалар фаолиятини ўз вақтида ва объектив бахолашга ёрдам беради.

**Замонавий ЎУМ нимага эътибор бериши лозим:**

- педиатрик фанларда олиб борилаётган халқаро илмий изланишлар билан таништириш ва уларни тахлил қилишга қаратилган;
- халқаро стандартлар асосида илий изланишларни олиб бориш усуллари билан таништириш;
- касбий махоратни оширишга қаратилганлик;

- рефлексив тажрибани ошириш, қўйилган муаммо ва масалаларни ечимини топиш
- касбий фаолияти натижасига индивидуал ва коллектив жавоб беришга тайёр бўлишни шакллантириш

**УУМ ишлаб чикишда куйидагт дидактик принципларга амал килиш керак:**

- Давлат таълим стандартига мос келиши
- ўқув материалларининг аниқ тизимлаштириш;
- ўқув материалларни кетма-кет ёритиш;
- ахборотнинг тўлиқ ва хаммабоп бўлиши;
- талаба эгаллаши керак бўлган кўникмани эгаллаши;
- берилаётган материалларнинг ўқув соатига мос келиши;
- ўзгарувчанлик, харакатчанлик (ЎУМ хар 1-1,5 йилда модернизация қилиш);
- замонавийлик ва илмий ютуқларга мос келиши;
- оптималлиги, қулайлиги
- талабалар ва педагоглар учун хаммабоп бўлиши

**Назорат саволлари:**

1. Ўқув-услубий мажмуа нима?
2. Электрон ўқув услубий мажмуа нима?.
3. Ўқув-услубий мажмуа таркиби ўзгарадими ёки йўқми?
4. Ўқув-услубий мажмуага қўйиладиган талаблар нимадан иборат?

## ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
15. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
17. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
18. Ашкоафт К.У., Холдер Т.М. Детская хирургия. - С-Пб., 1997
19. Баиров Г.А. Срочная хирургия детей. - С-Пб., 1997
20. Болезни детей раннего возраста - руководство для врачей под редакцией А.А.Баранова, - Москва-Иванова, 1998.
21. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013
22. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари.-Т., 2012.
23. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. – М., 2010
24. Детские болезни, под ред. Н П. Шабалова. – М., 2010
25. Исаков Ю.Ф., Степанов Э.А., Гераскин В.И. Торакальная хирургия детского возраста.- М., 1987
26. Калиничева В.И. Анемии у детей. – М., 2000
27. Немилова Т.К. Оперативная хирургия детского возраста. - С-Пб., 2000
28. Острые пневмонии у детей, под редакцией В.К.Таточенко. – М., 1994
29. Парийская Т.В. Справочник педиатра.- М., 2004
30. Патология детей старшего возраста - под редакцией А.А.Баранова. – М., 1998

31. Пыцкий Н.В. Аллергические заболевания. – М.,1999
32. Синельников И.М. Неотложная помощь в педиатрии. – М., 2000
33. Справочник педиатра. Санкт-Петербург., Москва., 2004
34. Справочник семейного врача (Педиатрия). - Минск, 2000
35. Сулайманов А.С. ва бошқ. Болалар хирургияси.- Т., 2001
36. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрияда синдромал диагностика.- Т., 2010
37. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
38. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA
39. The five Minute child Health Advisor. - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинади:
http:/// www. medmir. ru.,
http:/// www. doctor. ru.,
http:/// www. medbox. ru.,
http:/// www. medicum. ru.,
http:/// www. medline. ru,
http://www.smtueco.ru,
http://www.vshu.ru,
www.cohrane.org,
www.medlinks.ru, www. med-lib.

## 2-МАВЗУ. ПЕДИАТРИК ФАНЛАРНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

## РЕЙТИНГ ТИЗИМИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Режа:**

1.Рейтинг тўғрисида тушунча
2.Педиатрик фанларда бахолашнинг мақсад ва вазифалари
3.Назорат турлари
4.Рейтинг натижаларини тахлил қилиш

**Таянч иборалар:** *рейтинг,назорат, бахолаш.*

1. Рейтинг - rating - инглизча сўз бўлиб қуйидаги маьнода ишлатилган:
а) баҳо қийматни аниқлаш.
б) АҚШ да ОТМ баҳосининг белгиси маъносида.
в) техникада параметр маъносида.
г) сонли кўрсаткич маъносида.

3.Психологияда - рейтинг баҳо, тартиб, классификация деган маънони англатади.

## Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 й. 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва топшириққа мувофиқ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 й. 25 августдаги 333-сон буйруғи билан Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда ЎзР Адлия вазирлигидан 2010 й. 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-модда, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

### Таълимда рейтинг тизимини қўллашдан мақсад

Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат

- а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;
- б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;
- в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

- г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;
- е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;
- ж) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

## РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА БАҲОЛАШ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

- Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари Илмий услубий кенгашда мухокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.
- Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.
- Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади: ЖН, ОН, ЯН
- Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари Илмий услубий кенгашида мухокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.
- Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.
- Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади: ЖН, ОН, ЯН

### Жорий назорат

Талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

**Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши ва ўз бахосини билиши шарт;**

Жорий назорат - талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларининг ўқув дастурига мувофиқлигини мунтазам назорат қилади. Шу билан бирга

жорий баҳолашда ўқитувчи талабаларнинг билимларини онгли ўзлаштиришга, ўз-ўзини тўғри назорат қила олишга ўргатади ҳамда уларни мустақил фикрлашга, ижодий ишлашга йўналтиради.

**Оралиқ назорат**

ОН ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ёки семестр (ўқув йили) охирида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўтказилади. Оралиқ назорат топшириқлари жорий баҳолашда текшириш имконияти бўлмаган топшириқлар, жорий баҳолашнинг ҳаққонийлигини текширувчи топшириқлар ва ижодий топшириқларни ўз ичига олади.

ОН ҳар бир ўқув фани режаси асосида ўтказилади ва уни ўтказиш вақти талабаларга бир ҳафта олдин маълум қилинади.

Оралиқ назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Оғзаки сўров;
2. Умумлаштирувчи ёзма иш;
3. Синовлар - Тест-синов; ОСКИ, ОСИ ва бошқалар
4. Оралиқ назоратнинг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест, OSCE ёки уларнинг комбинациялари) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
5. Фанга ажратилган аудитория соати 72 дан кам бўлган ҳолда ОН ўтказилмайди ва бунда ЖН ва ЯН улуши 50:50 ни ташкил қилади. Фанга ажратилган аудитория соати 160 дан юқори бўлган холда семестрда 2 марта ОН ўтказиш мумкин. ОНга жорий назорат бўйича 55 ва ундан ортиқ балл тўплаган талабалар қўйилади. ОН бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55%дан кам балл тўплаган талаба ЯБга қўйилмайди.
6. Якуний назорат семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. ЯН асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” ёки ОСКИ шаклида ўтказилади. Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда академия Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.
7. ЖН ва ОНга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯНда иштирок этиш хуқуқи берилади. ЯН OSCE ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда баллар нисбати мос равишда 50:50% ни ташкил этади. OSCE ва тест натижасида тўпланган баллар ЯНни тегишли балини ташкил этади. Агар OSCE

натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.

8. ЯН икки босқичда ўтказиладиган фанлар бўйича талаба ЯБнинг ҳар бир босқичида (ОСКИ ёки амалий кўникмаларни назорат қилиш ва тест) 55%дан кўп балл тўплаши лозим.
9. ЖН ва ОНга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯНда иштирок этиш хуқуқи берилади. ЯН OSCE ва тест усули комбинациясида ўтказилган ҳолда баллар нисбати мос равишда 50:50% ни ташкил этади. OSCE ва тест натижасида тўпланган баллар ЯНни тегишли балини ташкил этади. Агар OSCE натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.

**Рейтинг тизими тартиблари**

- ОН ни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ОН натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.
- Академия ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯН ни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилинади ва ЯН қайта ўтказилади.
- Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

## БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

## БАҲОЛАШ ТУРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ

- Оралиқ ва якуний баҳолаш турлари календар-тематик режага мувофиқ ўқув-услубий бўлим томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.
- Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта

топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача ёки семестр якунигача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

- Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.
- Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.
- Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари (аудитория+мустақил иш соатлари), “Ўзлаштириш кўрсаткичи” устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.
- Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.
- Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.
- Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.
- Талабанинг рейтинги унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.
- Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.
- Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндиси олинади.
- Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобга олинади.
- Талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назоратларда эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув-методик бошқармада

компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

- Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва ТТА Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

**Назорат саволлари:**

1. Рейтинг нима?
2. Бахолаш турлари?.
3. Якуний бахолаш турлари?

## ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
15. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
17. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы //Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
18. Ашкоафт К.У., Холдер Т.М. Детская хирургия. - С-Пб., 1997
19. Баиров Г.А. Срочная хирургия детей. - С-Пб., 1997
20. Болезни детей раннего возраста - руководство для врачей под редакцией А.А.Баранова, - Москва-Иванова, 1998.
21. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013
22. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари.-Т., 2012.
23. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. – М., 2010
24. Детские болезни, под ред. Н П. Шабалова. – М., 2010
25. Исаков Ю.Ф., Степанов Э.А., Гераскин В.И. Торакальная хирургия детского возраста.- М., 1987
26. Калиничева В.И. Анемии у детей. – М., 2000
27. Немилова Т.К. Оперативная хирургия детского возраста. - С-Пб., 2000
28. Острые пневмонии у детей, под редакцией В.К.Таточенко. – М., 1994
29. Парийская Т.В. Справочник педиатра.- М., 2004
30. Патология детей старшего возраста - под редакцией А.А.Баранова. – М., 1998
31. Пыцкий Н.В. Аллергические заболевания. – М.,1999
32. Синельников И.М. Неотложная помощь в педиатрии. – М., 2000
33. Справочник педиатра. Санкт-Петербург., Москва., 2004
34. Справочник семейного врача (Педиатрия). - Минск, 2000
35. Сулайманов А.С. ва бошқ. Болалар хирургияси.- Т., 2001
36. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрияда синдромал диагностика.- Т., 2010
37. A therapist’s guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA
38. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA
39. The five Minute child Health Advisor. - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинади:

http:/// www. medmir. ru.,
http:/// www. doctor. ru.,
http:/// www. medbox. ru.,
http:/// www. medicum. ru.,
http:/// www. medline. ru,
http://www.smtueco.ru,
http://www.vshu.ru,
www.cohrane.org,
www.medlinks.ru,
www. med-lib.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Педиатрик фанларда якуний назорат ўтказиш (4 соат)

**Режа:**

4. Рейтинг тизими тўғрисида тушунча
5. Якуний назорат ўтказиш турлари
6. Педиатрик фанларда ОСКИ усулининг қўлланиши

1. Рейтинг - rating - инглизча сўз бўлиб қуйидаги маънода ишлатилган:
а) баҳо қийматни аниқлаш.
б) АҚШ да ОТМ баҳосининг белгиси маъносида.
в) техникада параметр маъносида.
г) сонли кўрсаткич маъносида.
3.Психологияда - рейтинг баҳо, тартиб, классификация деган маънони англатади.

Клиник кафедраларда якуний назорат икки босқичда ўтказилади: кафедрада ОСКИ ва тест марказида. Бунда умумий якуний назоратга 30 балл ажратилган бўлиб, шундан 15 балл ОСКИ ва 15 балл тестга берилади.

Якуний назорат семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. ЯН асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” ёки ОСКИ шаклида ўтказилади. Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда академия Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

OSCE ва тест натижасида тўпланган баллар ЯНни тегишли балини ташкил этади. Агар OSCE натижалари бўйича талаба қониқарсиз баҳо олса, у тест назоратига киритилмайди.

ЯН икки босқичда ўтказиладиган фанлар бўйича талаба ЯБнинг ҳар бир босқичида (ОСКИ ёки амалий кўникмаларни назорат қилиш ва тест) 55%дан кўп балл тўплаши лозим.

Академия ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯН ни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилинади ва ЯН қайта ўтказилади.

Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

## 2-мавзу. Педиатрик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш

**(4 соат)**

**Режа:**

3. Муаммоли ўқитиш тўғрисида тушунча
4. Муаммоли ўқитишнинг педиатрик фанларда қўлланилиши

***МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР УСУЛИ***

**Муаммоли вазифалар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган.

Усулнинг етаки вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
2. Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
3. Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади).

- Номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

**Маъруза** - давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материалини монологик баён қилиши.

Усулнинг асосий *вазифаси*-таълим бериш. *Белгилари:* қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзуси мақсади вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- ✓ маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маърузанинг тўғри келиши.

***Муаммоли маъруза***

Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилигиорқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдагибилиш

жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар.

Лойиҳаларда ўқитиш нафақат натижалар, балки жараёнини ўзи ҳам қимматли.

Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

**Таълим бериш вазияти**- кейс-стади (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Электрон укув-услубий мажмуа нима:
А) кафедрадаги барча хужжатларнинг электрон шакли
Б) электрон китоблар ва методик кулланмалар жойлаштирилган манба
В) талабанинг укув жараёнига ёрдам берувчи восита
Г) укув жараёни учун мулжалланган мультимедиали дастур булиб, назарий, амалий, назорат килувчи кисмларни уз ичига олади ва укув жараёнининг тулик булишига ёрдам беради

2.Педагогик технология – бу:
А) педагогик фаолиятнинг барча компонентлари ишлаши;
Б) таълим жараёнини аниқ инструментал бошқариш ва қўйилган педагогик мақсадга эришиш;
В) Ўқув жараёнини қўйилган мақсад асосида олиб бориш;
Г) тўғри жавоб йўқ;
Д) барча жавоблар тўғри

3. Педагогик технологиялар қачондан бошлаб оммавий жорий қилинган:
А) 40-чи йилларда;
Б) 50-чи йилларда;
В) 70-чи йилларда;
Г) 80-чи йилларда;
Д) тўғри жавоб йўқ

4.Программали ўқитишнинг назарий асослари ким томондан белгиланган:
А) Д. Дьюи;
Б) Б.Ф.Скиннер;
В) Г.К.Селевко;
Г) тўғри жавоб йўқ;
Д) барча жавоблар тўғри

5.Педагогик технологияни нима таърифлайди:
А) тизимлилик;
Б) даврийлик;
В) прагматиклик;
Г) тўғри жавоб йўқ;
Д) барча жавоблар тўғри

6. Педагогик технологиялар ривожланишига катта хисса қўшган:
А) Беспалько В.П.;
Б) Пидкасист И.П.;
В) Сластенин В.А.;
Г) тўғри жавоб йўқ;
Д) барча жавоблар тўғри
7.Педагогик технологияларнинг концептуал қисмига киради:
А) технология номи, мақсадга йўналтирилганлик;
Б) субъект фаолиятининг тизими ва алгоритми;
В) педагогик технологиялар экспертизаси;
Г) тўғри жавоб йўқ;
Д) барча жавоблар тўғри

8. Қайси педагогик вазифалар таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқади?
А) тактик;
Б) оператив;
В) стратегик;
Г) дидактик;
Д) тўғри жавоб йўқ

9. Ўқиш жараёнининг қайси турида талаба берилган билимларни қабул қилиш, тахлил қилиш ва қўллашга харакат қилади:

А) ижодий
Б) интерпретацияловчи;
В) қайтарувчи
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

10. Активациява интенсификация асосида қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:
А) ўйин технологияси;
Б) программалаштиришга асосланган технология;
В) гуманистик технология;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

11. Бошқарилиш жараёнига қараб қуйидаги ишбилармон ўйинлар ажратилади:
А) вазиятли, комплекс ўйинлар;
Б) ўқитувчи, проектирловчи ўйинлар;
В) имитацион, операцион ўйинлар;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

12.Педагогик мониторинг – бу:
А) педагогик жараёндаги объектларни узоқ вақт кузатиш;
Б) педагогик вазифаларни ишлаш;
В) педагогик жараённинг ишлаш тизими;

13.Объект тўғрисида маълумот берувчи ва қайта алоқага имкон берувчи мониторинг функцияси – бу:
А) информацион функция;
Б) аналитик функция;
В) коррекцион функция;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

14.Илмий нуқтаи назардан технология – бу:
А) санъат, хунармандчилик ва бошқа сохаларда қўлланиладиган усуллар мажмуаси;
Б) ишлаб чиқаришнинг барча сохаларида қайта ишлаш бўйичақўлланиладиган усуллар мажмуаси;
В) инсон фаолиятининг конкрет қисмида қўлланиладиган илмий усуллар;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

15.Ахборот билан алмашинув нима орқали олиб борилади:
А) вербал воситалар;
Б) эмпатия;
В) рефлексия;
Г) тўғри жавоб йўқ

Д) хамма жавоблар тўғри

16. Мулоқатнинг авторитар тури нима билан таърифланади:
А) педагог фақат ўзи қарор қабул қилади;
Б) педагогнинг ўқув жараёнига минимал аралашувга интилиши;
В) талабаларнинг жараёнга актив аралашуви;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

17. Ахборот технологияларни қўллашнинг ташқи сабабларига нима киради:
А) вақтни тежаш орқали педагог ишининг самарасини ошириш;
Б) ахборот технологияларини билувчи инсонларга жамоанинг мухтожлиги;
В) ахборот технологияларини оммавий тарқатиш;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

18. Педагогик вазифаларни бажариш босқичларини белгиланг:
прогностик босқич -1
аналитик босқич -2
рефлексив босқич -3
процессуал босқич - 4
А) 1,2,4,3;
Б) 2,1,3,4;
В) 1,4,2,3;
Г) 2,1,4,3;
Д) тўғри жавоб йўқ

19. Педагогик диагностика ниманинг қисми:
А) педагогик жараённинг;
Б) педагогик мониторингнинг;
В) педагогик фаолиятнинг;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

20. Ўқитиш-тарбиялаш вазиятига киради:
А) стимулловчи вазият;
Б) танлаш вазияти;
В) муваффақият вазияти;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

21. Технологик жихатдан педагогик мулоқат ўз аксини топади:
А) ўзининг рухий холатини бошқара олиш;
Б) талаба холатини тушуна олиш;
В) ахборотни узата олиш қобилияти;
Г) тўғри жавоб йўқ
Д) хамма жавоблар тўғри

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўқув-услубий мажмуа нима?

2. Электрон ўқув-услубий мажмуа нима?

3. Мажмуага қўйиладиган талаблар?

4. Ўқув-услубий мажмуага қандай қисмлардан ташкил топган?

5. Ўқув-услубий мажмуа таркибини ўзгартириш муддати?

6. Педиатрик фанлардаги ўқув-услуьий мажмуага қўйиладиган талаблар

7. Рейтинг сўзининг  маъноси нима?

8. Тиббиёт олийгохларида рейтингнинг ўрни

9. Бахолаш турлари

10. Назорат турлари

11. Якуний назорат турлари

12. Оралик назорат қачон ўтказилади

13. Бахонинг функциялари

# ГЛОССАРИЙ

**Ўқув-услубий мажмуа** – талабалар томонидан фанни узлашриш «стратегияси» ва укув йилидаги «тактикани» белгиловчи хужжат

**Электрон ўқув-услубий мажмуа** – укув жараёни учун мулжалланган мультимедиали программали махсулот булиб, укув жараёнининг узлуксизлигини, туликлилигини ва визуал кабул килишни таъминлайди.

**Рейтинг** - rating - инглизча сўз бўлиб қуйидаги маьнода ишлатилган:
а) баҳо қийматни аниқлаш.
б) АҚШ да ОТМ баҳосининг белгиси маъносида.
в) техникада параметр маъносида.
г) сонли кўрсаткич маъносида.

**Баҳолаш** - таьлимнинг турли босқичларида талаба оқимини тартибга солувчи меьёрдир

**Жорий назорат** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули

**Оралиқ назорат** - топшириқлари жорий баҳолашда текшириш имконияти бўлмаган топшириқлар, жорий баҳолашнинг ҳаққонийлигини текширувчи топшириқлар ва ижодий топшириқларни ўз ичига олади.

**Якуний назорат** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули.

**Академик қарздор талаба** - семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талаба.

**Технология** (юнонча.techne маҳорат+ logos таълимот) – ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш усуллари ва услублари тўғрисидаги билимлар мажмуаси.

***Инновация*** – бу таълим муассасасининг анъанавий ва умумамалий ривожланишдан фарқли равишда прогрессив ривожланишига ёрдам берувчи янгилик.

**Педагогик технология** – бу педагогик фаолиятнинг муваффақиятига кафолат берувчи жиддий илмий лойихалаш ва аниқ қайтаришдир.

**Олий таълимда технология** – аниқ бир мутахассислик бўйича битирувчини тайёрлашга қаратилган ўқитишнинг усуллари, услублари мажмуаси.

**Олийгох педагогининг профессионал ваколати** – мутахассиснинг интеграл таърифи бўлиб, унинг хакконий вазиятда профессионал муаммолар ва типик профессионал вазифаларни хал қила олишидир.

**Муаммоли вазият** – бир бирига зид бўлган маълум бир ечимга эга бўлмаган вазият

**Педагогнинг лойихалаштириш қобилияти** – ўз шахсий фаолиятинию. Талабаларнинг таълим олишини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг асосли (конструктив) махорати** – курсга мўлжалланган ўқув жараёнини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг коммуникатив махорати** – педагогнинг талабалар, хамкасблар ва маъмурият билан ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти;

**Педагогнинг ташкилотчилик махорати** – нафақат ўзининг, балки талабаларнинг хам фаолиятини ташкил қила олиш қобилияти.

**Типик вазиятли масалалар** – репродуктив фаолиятга қаратилган масалалар

**Ролли ўйинлар –** турли хил вазиятларни моделлаштиришга қаратилган ўқитиш усули